

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам опа-сингиллар!

Хурматли дўстлар!
Бугун мана шундай дилбар, кутлуғ баҳор айёмида сиз, мунис оналаримиз, хурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамнингиз – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини табриқлаб, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилақларимни билдираман.

Қадри юртдошлар!
Ҳаммамиз яхши тушунамиз, **“Меҳр – ҳаётнинг устуни”**, деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, **муқаддас она, аёл зоти – чинакам меҳр булоғи, меҳр қуёши**, десак, ҳар томонлама тўри бўлади. Шу қуёш бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан буён безавол яшаб келмоқда.

Шу боис бугунги қувончли айёмда аввало дунёда **“фидойи”** деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдида таъзим қиламиз. **Ҳаётимиз қувончи, хонадонлари-**

миз кўрки бўлмиш азиз аёлларимиз шайнага энг гўзал тилақларимизни изҳор этамиз.

Ер юзиде сўз ва соз санъати, шоиру ҳофиз, россом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, **“Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди”**. Чунки, аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамisha шундай бўлиб қолади.

Бизга мана шу ёруғ, гўзал оламни янада гўзал ва ёруғ қилиб турганларингиз учун катта раҳмат сизларга!
Биз – Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йигитлари сиз, азизларга бўлган ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интилоқдамиз.

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги деб тушунамиз. Сизларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашигизни амалга ошираётган барча-барча ислохотларимизнинг асосий мақсади ва мезони деб биламиз. Бу йўлда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-ғайрат бағишлайди.

Қадри опа-сингиллар!
Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, жамиятдаги ўрнингиз, Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлардаги бекиёс ҳиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёд, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортқини, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Ва сизларнинг сидқиқидан қилаётган меҳнатларингиз давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва муътабар аёл зотини улуғлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, хотин-қизларимизнинг оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотларни муваффақиятли

амалга ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Салоҳий Дилором Исомиддин-қизи – Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси мудири, Самарқанд вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Маркелова Людмила Васильевна – Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг велотрек бўлими катта мураббий-ўқитувачиси

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ЎРНИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, маъсул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Устувор халқаро рейтинг ва индексларни комплекс равишда кўриб чиқиш ва яхшилаш борасида ижро самардорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган тегишли чора-тадбирларни тизимли мувофиқлаштириш лозимлигини инобатга олган ҳолда:

Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 1-иловадаги таркибга мувофиқ тuzилсин;

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун рақобат муҳитини ҳамда қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва “Устандарт” агентлигининг 2019 йил 1 июндан бошлаб:

а) халқаро ташишларда фойдаланиладиган тягач (шатакчи) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божи тўлаш тартибини;

б) қуйидагиларни:
олиб қирладиган ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган “Евро-5” ва “Евро-6” экологик синф талабларига мос келадиган янги юк ва махсус автотранспорт воситалари, шунингдек, автомобиль транспортда юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва яримтиркамаларни;

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда муътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни волега етказиш, ўзининг иқтидорини ва ибратли фаолиятини билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қўбиллат ва имкониятларини рўйбга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофоти” таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги

ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳули, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатта мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорига пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 2 мартдаги
ПҚ-4218-сонли қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Каипназарова Сапура Жалғасбай қизи – Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Тулиева Сарвино Абдулла қизи – Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали қошидаги Тўртқўл академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Мухторжонова Хуснигул Нодирбек қизи – Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси

(Давоми 3-саҳифада)



**ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОҶИ, МУНИС
АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОДА**

Азалдан аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга гамхўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади. Улар беҳиз ёшлари ва янгилашиш фасли – баҳорга қиёсланмайди. Мамлакатимизда лобар, иродали, ишбилармон, истеъдодли хотин-қизлар доимо эътироф этилиб, эъзозланади.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Батанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, иқтидорли қизлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари сафидаги хотин-қизлар иштирок этди.

Байрам иштирокчилари дастлаб Мустақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўйди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда Президент

Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини табриқлади. Халқ розилиги, аввало, муҳтарам оналар, хотин-қизларнинг розилиги билан боғлиқлиги, уларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли яшашини таъминлаш барча ислохотларнинг асосий мақсади ва мезони экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг бундан бир йил муқаддам қабул қилинган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини замон талабига монанд йўлга қўйиш имконини берган бўлса, ушбу ҳужжат билан “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази йўлга қайтадан, янги асосда

ташкил этилди.

Ҳужжатга кўра, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга оид амалий ишлар тубдан такомиллаштирилди. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва очир ижтимоий аҳолига тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг маънавий рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ишлар ҳаётта кенг жорий этилмоқда.

Ҳар икки ташкилот томонидан бевоқиф оилалар билан ишлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Худудларда хонадонма-хонадон юриб, оилалар, хотин-қизларни ўйлантираётган долзарб масалалар чуқур, таҳлилий тарзда ўрганилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

Максим ОРЕШКИН:

ЎЗБЕКИСТОНДА НАФАҚАТ БУГУН, БАЛКИ КЕЛАЖАК УЧУН УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазирини Максим Орешкин мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида ўЗА муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:

Ўзбекистонга янгидан-янги сармоядор компаниялар кириб келмоқда. Давлатингиз раҳбари янада фаол ишлашимиз кераклигини таъкидлади, чунки ҳақиқатан ҳам сезилмоқда: товар айланмаси ҳажми ортмоқда,

Биз ҳар ойда видеоконференциялар ўтказаямиз, уларда Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини Россия бозорига олиб кириш, қишлоқ хўжалиги, саноат кооперацияси каби масалалар

муҳокама қилинмоқда. Бу чора-тадбирлар бизнесни жадал ривожлантиришда давлат иштирокини фаоллаштириш, иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш

учун муҳим. Эришилган натижалар билан тўхтаб қолмай, олға ҳаракат қилишимиз зарур.

Бугун Ўзбекистон тубдан ўзгараётганига гувоҳ бўляёмиз. Россия ҳам шундай мураккаб даврдан ўтган. Ўзбекистоннинг юксак салоҳияти унинг яқин келажақдаги барқарор иқтисодий имкониятларини кўрсатмоқда. Зеро, мамлакатингизда нафақат бугун, балки келажақ учун ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

**ЎЗА муҳбири
М.ЭПМУРДОВ
ёзиб олди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ
ФЕДЕРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

2018 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 20 фоиз ошиб, қарийб 6 миллиард долларга етди. Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида, жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа кўплаб тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзаро мулоқотнинг янги кўп даражали формати, яъни икки давлат Бош вазирлари раҳбарлик қиладиган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича кўшма комиссиянинг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, кўп қиррали шериклики кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар самарадорлигини ошириш ва уларни ўз вақтида рўйбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторида мамлакатимиз ҳудудларида Россия компаниялари иштирокида агрокластерлар ва логистика марказлари ташкил этиш, Ўзбекистон мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотларини Россия бозорига катта миқдорда улгуржи нархда етказиб бериш бўйича янги тизим жорий этиш, ҳудудлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароитлар яратиш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ўзаро алмашувларни кенгайтириш ва кўшма лойиҳаларни амалга ошириш қайд этилди.

Россия иқтисодий ривожланиш вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Максим Орешкин Ўзбекистонда тамақланишни барқарор тараққийлатиш таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвесторларни ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни юксак баҳолади.

Россия ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, турли соҳаларда истиқболли кўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам зарур чоралар қўришга тайёр экани таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 2 мартдаги
ПҚ-4218-сонли қарорига илова

Зулфия номидаги

Давлат мукофоти билан тақдирланганлар
РЎЙ ХАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Тожиддинова Ойгул Фозилхон қизи – Андижон вилояти Избоскан туманидаги "Айгул-текстиль" ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Остонова Севарахон Саид қизи – Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Истамова Дилафруз Ойбек қизи – Тошкент давлат юридик университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Йўлчиева Зухра Умматкул қизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Умарова Сабина Султон қизи – Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси

Алишерова Эъзола Жамшид қизи – Қашқадар вилояти Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Шуқурова Моҳиғул Боқиевна – Тошкент давлат аграр университетининг 3-босқич талабаси (Қашқадар вилояти)

Абдуллатифова Рухсора Собирова – Навоий давлат кончилиқ институтининг 4-босқич талабаси

Куватова Гулбону Муродуллаевна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Конимех тумани Кенгаши бош мутахассиси (Навоий вилояти)

Абдулхамидова Гулшоабегим Камолитдин қизи – Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Исманова Азизахон Махаммадали қизи – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Расулова Ҳилола Комил қизи – Самарқанд шаҳридаги 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Қанотова Мадина Рафиқ қизи – Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Эргашева Шохиста Алижон қизи – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 1-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Зулфиқорова Азизахон Баҳодир қизи – Гулистон давлат университетининг 4-босқич талабаси

Астанакүлова Камилла Шухратовна – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Алиқулова Дилдора Шухрат қизи – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Шерзодова Хулқар Шерзод қизи – Тошкент темир йўл транспорт касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Осипова Светлана Валерьевна – Тошкент вилояти Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси

Қурбонова Моҳидил Улугбек қизи – Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси

Рўзибоева Паризода Муродали қизи – Фарғона вилояти Қўқон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Отабоева Дастангул Азимбой қизи – Хоразм вилояти Урганч санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Машарипова Зумрад Қўчқорбоевна – Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Умарова Нигорахоним Нўмонжон қизи – Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг 3-босқич талабаси

Асадова Дилноза Жовлиевна – Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 9-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЎРНИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари (кейинги ўринларда – молия вазири ўринбосари) лавозими киритилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг сони кўшимча 10 та штат бирлигидан иборат Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма) ташкил этилсин ва юқори мақолами кадрлар билан тўлдирилиши таъминлансин.

2. Белгиланган кўйилсинки:
а) Комиссия халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш доирасида:

хар ойда қаида бир маротаба йиғилади; мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун устувор йўналишларни белгилаб беради ва амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириб боради;

тегишли қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини вазирлик ҳамда идоралар томонидан сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди, шунингдек, уларнинг ойлик ҳисоботларини эшитиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентига амалга оширилган ишлар юзасидан хар ойда қаида бир маротаба ҳисобот тақдим этади;

б) молия вазири ўринбосари:

халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида мутасадди вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлигини, уларга юклатилган вазифаларни самарали ва сифатли бажариш учун услубий ва консультатив ёрдам кўрсатишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида, шу жумладан, Раёсат мажлисларида, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳолини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар беради;

в) Бошқарма Комиссия ишчи органи бўлиб, мутасадди вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этади ва зарур маълумотларни умумлаштиради, бу борада кўйидаги вазифаларни амалга оширади:

мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди ва Комиссияга тақдим қилади;

халқаро рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар, рейтинг агентликлари, маҳаллий ҳамда халқаро эксперт, консультант ва мутахассислар билан тўғридан-тўғри ишлайди, шу жумладан, уларни республикага таклиф қилади ва олиб борилаётган ислохот-

лар кўлами билан яқиндан таништиради, чет элда соҳага оид тадбирларда мутахассислар иштирокини, давра суҳбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкиллаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси билан устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш юзасидан яқиндан ҳамкорлик қилади;

тегишли таклифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади;

г) халқаро рейтинг ва индексларнинг маълумот базаларидан фойдаланиш, зарур ахборот материалларини олиш, ушбу рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро эксперт, консультант ва мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жағмараси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлаштириш;

в) чек бериш ёки йўловчининг юрганлигини электрон қайд этиш имкониятини мавжуд бўлиши шарти билан йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-қосса аппарати мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни;

г) кўйидагиларнинг:
автомобил транспортда юк ташиш билан шуғулланувчи яқна тадбиркорларнинг; корхона шаттида белгиланган тартибда аттестациядан ўтган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган мутахассиснинг алоҳида бирлиги мавжуд бўлиши шарти билан юридик шахс раҳбарининг малака талабларига мувофиқ юзасидан аттестациядан ўтиши тўғрисидаги талабларни;

д) автомобиль транспортда йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олишда юридик шахсларнинг балансида транспорт воситалари мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ижара шартномаларини тасдиқлаш учун амалдаги давлат божи миқдори икки маротаба камайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар, шу жумладан, кўйидаги имониятларни назарда тутувчи "UzTrans" ягона интерактив ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) яратилишини таъминласин:

лицензиатларнинг шахсий кабинети фаолият юритиши;

автомобилда халқаро ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномаларини миллий ташувчилар ўртасида автоматик равишда чораклар бўйича тақсимлаш;

йўловчилар ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар, автомобильда халқаро ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар, шунингдек, ЮХИТ дафтарчасини қўллаган ҳолда Юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги конвенцияга (Женева шаҳри, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ ЮХИТ(CARNET TIR) дафтарчасидан фойдаланишга рухсатномалар олишга талабдорларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш босқичини кўрсатган ҳолда қайта ишлаш;

лицензиатлар ва жисмоний шахслар ўртасида тузилмадиган автотранспорт воситаларининг ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ўн кун мuddатда ахборот тизими жорий этилунига

қадар мамлакатлар бўйича халқаро автомобилда ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар мавжудлиги тўғрисида доимий аниқланмаган ахборотнинг вазирлик веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

йўналишсиз такси учун талаб этиладиган тўлов терминаллари, ҳисоблагич-таксометрлар ва радиоалоқа воситалари алмаштирилмаган приборларнинг функционалини таъминлайдиган махсус иловали қурилмаларга (уяли телефонлар, планшетлар, электрон тўлов тизимлари) алмаштирилиши мумкин;

йўналишсиз такси рангини қонун ҳужжатларида талаб қилинган рангга мувофиқ ҳолга келтириш учун уларни бўямасдан ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади; йўналишсиз таксилар сифатида фойдаланиладиган ҳамда ягона ички ва ташқи белгилар билан жиҳозланган энгил автомобиллар йўналишли транспорт воситалари учун махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда "Тўхташ тақиқланади" белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташи мумкин;

халқаро автомобилда ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларини олиш учун аризалар улар олинган пайтдан бошлаб бир иш кўни мобайнида кўриб чиқилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда:

а) энгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга юридик шахсларни: ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш шартномаси мавжуд бўлмаганда, унинг расмийлаштирилишини таъминлаган ҳолда, уларнинг мавжудлиги; автотранспорт воситаларидан лицензия картчаларисиз фойдаланилаётган давлат рақами белгилари қайтарилиши чораларини кўрган ҳолда йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган автотранспорт воситаларига махсус сериялардан берилган давлат рақами белгиларининг амалдаги лицензия картчаларига мувофиқлиги юзасидан хатлов ўтказсин;

б) автомобиль транспортда юк ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни кучайтириш бўйича таклифлар киритсин;

в) ҳимояланган телекоммуникация каналлари ёрдамида "Транспорт воситалари ҳисоби", "Техник кўрик" ва "UzTrans" ахборот тизимларининг самарали идоралараро интеграциясини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

6. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида автомобиль йўларида транспорт воситаларининг оғирлик ва габарит параметрларини аниқлаш учун

автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар ва кўчма шохобчаларни ташкил этиш тартиби жорий этилсин.

Транспорт вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар автомобиль йўларида давлат-хусусий шериклик объектлари рўйхатини, регламенти ва инвесторларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида танлаб олиш механизмининг назарда тутувчи оғирлик ва габарит назорати бўйича махсус пунктларни ташкил этиш юзасидан фаолиятни амалга ошириш тартибини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Кўйидагилар:
Йўловчи ва юк ташишини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан хорижий давлатлар билан музокарадан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги бир ой мuddатда:

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда яқна тартибдаги тадбиркорларга рухсат бериш тартибларини соддалаштириш ва минималлаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда энгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат буюртмачилари, шу жумладан, ҳўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятта эга бўлган корхоналарнинг автомобиль транспортда юк ташиш хизматлари кўрсатишини махсус электрон савдо майдончасида электрон савдо якунлари бўйича харид қилиш ва хизмат кўрсатишини назарда тутувчи тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа идоралар билан биргаликда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириши, чиқиши, транзит ўтиши (алоҳида юклар ва ҳарбий контингентлардан ташқари) ва ҳудудда бўлиши тартибини, шу жумладан, республикага кираётган хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг бўлиш мuddатларини оптималлаштиришни назарда тутган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОҶИ,
МУНИС АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОДА

Мамлакатимизда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда нуфузини ошириш, фарзандларимизни миллий, умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида, соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган тўб ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 6 март кўни қабул қилинган "8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан муқофотлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ қилшқ ҳўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб

кепаётган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан муқофотланди. Улар орасида атоқли олимлар, шоир ва адибларнинг саноқли умр йўлдошлари ҳам борлиги алоҳида эътиборга молик. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан йигирма саккиз

нафар қиз аъло ҳулки, ноёб истеъдоди, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштироки аёлларга юксак муқофотларни тантанали равишда топширди. Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди. Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Юртимиз саёҳатчилар учун афсонавий шаҳарлар, қадимий обидалар, кўҳна ажойиботларга тўла. Хусусан, 500-1000 йиллик тарихга эга қадимий ўтовлар ҳам ўзининг бетакрор дизайни ва кўриниши билан кўпчилик сайёҳлар эътиборини жалб этмоқда. Аксарият сайёҳлар қишда иссиқликни, ёзда салқин об-ҳавони таъминлаб берадиган мана шундай ўтовларда юлдузларни томоша қилиб дам олиш истагини билдиришади. Самарқанд – Жиззах йўналишидаги йўл бўйида қад ростилаган бу ўтовлар сизнинг ҳам эътиборингизни тортган бўлса, ажаб эмас. Мана шундай этник туризмни ривожлантираётганлардан бири Жиззах шаҳри Хайрбод маҳалласида туғилган тадбиркор Элдор СУЛТОНОВдир. Келинг, бу ҳақда қахрамонимизнинг ўзи билан суҳбатлашамиз.



Сайёҳларни чорлаётган ўтовлар!



Жиззах вилояти

Гольф ўйнаш жараёнида янги гоёлар туғилади

Tayger Ho SONG, "Songho Golf Design" компанияси раҳбари (Жанубий Корея).

– Гольф ўйини экологик тоза ҳудудда, табиат қўнидаги кенг майдонларда, ортиқча ҳаракатларсиз бажарилиши билан ажралиб туради. Статистик маълумотларга қараганда, бу спорт тури билан кўпроқ дунёнинг ривожланган давлатларидаги йирик компаниялар, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, ходимлари шуғулланар экан. Яна бир ҳақиқат шуки, кўплаб янги гоёлар ва бизнес режалар, йирик компанияларнинг шартномалари мана шундай кўнгилпочар ўйинда имзоланади. Демак ҳудудда гольф майдонларини қуриш, аввало, сайёҳлар оқимини кўпайтирса, кўплаб хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳам йўл очади. Шу кунгача дунёнинг бир қанча давлатларида олтимишдан ортиқ гольф майдонларини қуриб, фойдаланишга топширдик. Жиззах вилоятига ташриф буюриб, Зафарбод, Форш ва Ғаллаорол туманларини кўздан кечириб, Ғаллаоролнинг худди мусаввир чизганидек табиати мени ўзига ром этди. Қолаверса, гольф майдонининг айнан ўтовларга яқин қурилиши сайёҳлар ва маҳаллий аҳолининг дам олиши учун қўлайдир. Айниқса, бу ердаги ўтовларнинг қадимий ва замонавий дизайни барчани лол қолдиради. Ҳозир бу ерда дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюрган сайёҳларни кўриш мумкин...

Французларга балиқ ови ёқади

– Ўтовлар атрофини томоша қиларканмиз, шунча жониворларни бу ерга келтириб, уларни хонақилиштириш учун одамага бизнес лойиҳадан ташқари, меҳр ва қизиқиш ҳам керак бўлади. Тўғрими? – Ёшлигимдан тадбиркорликка, бизнесга қизиқардим. Ўзимни бошқа соҳаларда ҳам синаб кўрдим. Шукри, ҳаммаси ўз йўлида ишлаб турибди. Аммо саёҳатчилар учун табиат қўнида дам оладиган бир оромгоҳ қуриш ниятим бор эди. Бу истагим 2017 йил амалга ошди. Ғаллаорол тумани "Хонимқўрғон" ҚФЙ Ғаллаорол қишлоғига Қозоғистондан ўтовлар келтириб, жойлаштирдик. Қолаверса, сажкиз дона туя ҳам олиб келгандик. Ҳозирда йигирмага яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, водийдан туяқуш, Ҳиндистондан юз донадан ортиқ попукли товўқ ҳамда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридан панам товуқларини олиб келгандик. Мана, ҳозир ҳаммаси кўпайиб, хонақилиштириб кетди. Дарвоқе, Ҳиндистондан ўн сажкиз дона товўс ҳам олиб келганмиз. Бу ерда бедана, каклик, қўён ва тўрт гектар жойда ҳовуз қилиб, балиқ ҳам боқяпмиз. – Сайёҳларни асосан ўзига жалб қилаётган нарса нима? Табиат қўнидаги жониворларми ёки қадимий ўтовлар? – Кўриб турганингиздек ўтовлар ҳам миллий, ҳам замонавий усулда жиҳозланган. Қолаверса, сайёҳлар қайси таомни танавул қилмоқчи бўлса, ўзлари жониворларни тўтиб беради. Мисол учун, француз халқига балиқ ови жуда ёқади. Ўзлари ушлаган балиқларни кўз олдида пишириб берамиз. Оддий тухум емоқчи бўлган сайёҳлар ҳам тухумларни ўзлари товўқхоналардан олиб чиқишади. Улар учун ёқимли машғуот бу. Маҳаллий сайёҳлар учун ҳам миллий ва европа таомларимиз бор. Улар асосан, туя сути ва қўён гўшти учун келади. Бундан ташқари, йигирма ўринли меҳмонхонани қуриб, фойдаланишга топширдик.

50 та объект қуриш тасдиқланган



Анвар БЕКБЎТАЕВ, Ғаллаорол тумани ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, кичик саноат зоналари ва туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари: – Биламизки, Ғаллаорол тоза об-ҳавоси, мазали асаллари, олмалари ва балиқчилик ҳудудлари билан ажралиб туради. Бугунги кунда туманимизда этно ва экотуризмни ривожлантириш бўйича қатор ишлар олиб бориляпти. Шундай лойиҳалардан бири Қўйтош қишлоғида амалга ошириляпти. Яқинда бир қувонарли ҳодиса юз берди. Яъни, Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳининг оқсидан ноёб бир оқтош топилди. Ўша жойдан сайёҳларни жалб қиладиган яна бир оромгоҳ қилишнинг лойиҳасини ишлаб чиқмоқдамиз. Қолаверса, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш бўйича ҳам жадал ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда тадбиркорларимизга иш ўрни яратиш, имтиёзли кредитлар олиш, турли қўрғазма ва танловларда ўз меҳнатини намоиш қилиши учун шароитлар яратмоқдамиз. Туманимизда 2019-2020 йилларга мўлжалланган 715 миллиард 600 миллион сўмлик 50 та объектимиз тасдиқланган. Биз бу лойиҳалар билан тўхтаб қолганимиз йўқ. Шу кунларда Жанубий Кореялик инвесторимиз билан айнан мана шу ўтовларнинг ёнида гольф майдончаси қуришни режалаштиряпмиз. Ҳозирда туман архитектори билан елкама-елка иш олиб бормоқдамиз. "Булоқбоши" ҚФЙ Авлиё ота қишлоғида жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида сув устига ёғоч қравотлар ўрнатилган. Шу жойдан яна ёғоч уйлари, манзарали табиат гўшаси қуришни режалаштиряпмиз. Бу ерга асосан маҳаллий аҳоли ташриф буюради. Эндилда унинг манзараси янада кўркамлашиб, хорижий сайёҳларни ҳам жалб қилмоқдамиз.

Эълонлар

Тошкент (Зангиста) т. ҳоказимата ТСРҲИ томонидан 2011 й. 22 январь кун қайта рўйхатдан ўтган "DAVR-SAVDO" ШК (СТПР 202393403) мулкчилик ҳисси МНОҚга айлантирилди. Музоамма учун тел.: (99) 396-94-30.
Смолвор т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатдан олиниган Яёна тартибдаги тадбиркор "MIXAMEDOV ANVAR YUSUPOVICH"га тегишли бир донга мурў йўлсизлиги муносабати билан беқор қилинди.
Тошкент вило. Тошкент т. "DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI" томонидан рўйхатдан олиниган "DAVRON BEKRUZADAR" фирмаси ривожланишига тегишли бир донга думалоқ мурў йўлсизлиги муносабати билан беқор қилинди.
Тошкент вило. Қўйташ т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатдан олиниган Яёна тартибдаги тадбиркор "AZIMOVA GULCHEXRA ASATILAYEVNA"га тегишли бир донга думалоқ мурў йўлсизлиги муносабати билан беқор қилинди.

Тошкент вило. Шайхонтоғур т. да рўйхатдан олиниган (СТПР 303480439) "SEVINCH BAXT SAOAT" МНОҚ Тошкент вило. Шайхонтоғур т. да рўйхатдан олиниган (СТПР 305793972) "PREMIUM-LIFE" МНОҚ тартибдаги тўлиқ белгилаштирилган ҳамда "PREMIUM-LIFE" МНОҚ "SEVINCH BAXT SAOAT" БИОТ МНОҚни қўриқчи ворисига айлантириши маълум қилди. Маълумот учун тел.: (97) 735-29-55.
"LICRATIVE TRADE GROUP" МНОҚ илтирозинларининг қавбатдан тасдиқи умумий йиллик ҳисоби 2019 й. 04 март кунларида 02/2019-сонли байёномасига асосан Жамият устав фонди миқдори 250 000 000 сўмга қайтарилганини, Жамият устав фонди миқдори 307 960 811 (ун ко этики мисли) ўрни ко олтиши мени ўрни ко олтиши бер сўм 57 тўғрига тенг эканини маълум қилди. Арза ва ташкиллар бўйича маълум бўйича қўриқ қилинди. Тошкент ш. Миробод т. Фарога кўли кўч. 44-уй.

Миробод т. ТСРҲИ томонидан рўйхатдан ўтган "EMIRATES AL-MILHONAT" МНОҚга тегишли бир донга думалоқ мур ва бир донга бунча тамғаси йўлсизлиги муносабати билан беқор қилинди.
Тошкент вило. Зангиста т. "DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI" томонидан рўйхатдан олиниган Яёна тартибдаги тадбиркор "TAZLIDONOV SHOKHODXON SHANSHODXON O'G'LI"га тегишли бир донга думалоқ мурў йўлсизлиги муносабати билан беқор қилинди.
"XO'JA BOBOXON" МНОҚ (СТПР 20022144) устав камирамаси 100 000 000 сўм 00 тўғридан 58 500 000 сўм 00 тўғрига қайтарилганини маълум қилди. Қозғатилар тарафи Тошкент ш. Янқобод т. М. Асаровий кўч. 103-А ўй мазоми бўйича қабул қилинди.

AGROBANK
Агробанк Баҳор байрамлари муносабати билан янги муддатли омонат турини таклиф этади!
"Баҳор - 2019"
Миллий валютадаги омонати:
Муддати - 13 ой;
Фоиз ставкаси йиллик - 21 фоизгача;
Минимал талаб - 1 000 000 сўм.
Шошилинг, омонатга маблағлар жорий йилнинг 31 март кунига қадар қабул қилинади.
Агробанк омонатлари Сиз учун!
www.agrobank.uz
/AgrobankChannel Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
/agrobankuzbekistan App Store Google Play
Хизматлар лицензияланган

ОАВда оила мавзуси қандай ёритилмоқда?

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда 8 март – Халқро хотин-қизлар кун байрами муносабати билан "Аёлнинг оиладаги мавқеини оширишда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар журналистларнинг аёлнинг оиладаги ўрни, бола таълим-тарбиясидаги ҳиссаси ҳақидаги мақола, телекўрсатув ва радиозиттиришлари сифатини оширишда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази мухтассислари билан яқиндан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Таҳлиллар оила ва хотин-қизлар мавзусидаги материалларда уларнинг жамият ҳаётдаги иштироки, яратувчилик фаолияти доим ҳам таъсирчан ёритилмаётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, улар ҳаётга боғлиқ муаммоларни ёритишда танқидий-таҳлилий ёндашув этишмаётир.

Йиғилишда ушбу масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада катта ижодий имкониятлар мавжуд экани таъкидланди.

Тадбирда фаол журналист хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди.

Ханифа ШАМШИЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

TRAKTORBOR.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
Уловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.
(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Маҳсулотлар сертификатланган.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Мазнавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-снбвий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон – (+99893) 630-73-03;
- Бухоро – (+99891) 401-29-59;
- Жиззах – (+99893) 940-10-78;
- Навоий – (+99891) 332-50-98;
- Наманган – (+99893) 948-53-86;
- Фаргона – (+99890) 407-76-03;
- Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
- Сирдарё – (+99894) 168-23-80;
- Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
- Тошкент – (+99890) 978-39-58;
- Хоразм – (+99897) 790-47-61;
- Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Бюуртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнёр Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7 747 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 05.00

ISSN 2010-7021
Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЯР